БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19-йил чиқиши

№ 167 (4626).

24 АВГУСТ ПАЙШАНБА 1972 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

УРАЛЛИКЛАР МАКТУБИ

Кеча «Уралхиммаш» заводининг коллективи мактуб юборди. Унда бундай дейилади: Ленин орденли ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ураль химия машинасозлиги заводининг коллективи СССР ташкил топганининг 50 йиллик шонли юбилейини муносиб кутиб олиш учун тўққизинчи беш йилликнинг иккинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан оширилган социалистик мажбуриятлар олди. Завод ишчилари ва хизматчилари мамлакатимиз халқларининг дўстлиги, қардошлигини, иқтисодий ва маданий алоқаларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадларида иттифоқчи республикаларга бағишланган 15 зарбдор меҳнат ўнкунликлари эълон қилдилар. Заводда Ўзбекистон ССРга бағишланган зарбдор ўнкунлик 21 августдан 31 августгача ўтади. Шу кунларда уралликлар мамлакатимизнинг ишга туширилдиган қурилишлари, шу жумладан, Ўзбекистон қурилишлари учун машина ва аппаратларни тайёрлаш юзасидан зарбдорчасига меҳнат қилмоқдалар.

Ўзбекистон ССР халқларига, айниқса биз билан кўп йиллик дўстлик ва социалистик мусобақа билан боғланган «Ўзбекхиммаш» заводи коллективига, шунингдек, Чирчиқ меҳнаткашларига экономика, маданиятни янада ривожлантиришда, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини яхшилаш ва коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал қилишда катта муваффақиятлар тилаймиз.

МАКАРОВ,
завод директори.

МАНЮХИН,
завод партия комитетининг секретари.

ТУГАРЕНОВ,
завод касаба союз комитетининг раиси.

БУЛАВИНЦЕВ,
завод комсомол ташкилотининг секретари.

ТИНЧЛИК ВА ХАЛҚАРО ХАВФСИЗЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ИТТИФОҚ СОВЕТИ БИЛАН МИЛЛАТЛАР СОВЕТИ ТАШҚИ ИШЛАР КОМИССИЯЛАРИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ

23 августда Катта Кремль Саройида СССР Олий Совети Иттифоқ Совети билан Миллатлар Совети ташқи ишлар комиссияларининг қўшма мажлиси бўлди.

Комиссия аъзолари Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида ракетадан мудофаа системаларини чеклаш тўғрисида 1972 йил 26 майда Москвада имзоланган ҳамда СССР Олий Совети Президиуми томонидан комиссияларнинг хулоса чиқариши учун топширилган Шартномани муҳокама қилишга киришдилар.

Иттифоқ Совети ташқи ишлар комиссиясининг раиси КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов, СССР Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецовга сўз берди, у Совет ҳукумати номидан гапирди.

СССР билан АҚШ ўртасида ракетадан мудофаа системаларини чеклаш тўғрисида тузилган Шартнома, деди В. В. Кузнецов, 26 май куни Москвада Совет Иттифоқи номидан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев ва Қўшма Штатлар номидан АҚШ президенти Р. Никсон имзоладилар.

Томонлар ҳар бири бир юз эллик километр радиусга эга бўлган ва ҳар бирида кўпи билан юзта ракетага қарши ракеталар учириладиган қурилма бўлган ракетадан мудофаа воситалари жойлаштириладиган кўпи билан иккитадан районга эга бўлишлари шартномада кўзда тутилган. Шу билан бирга, ҳар бир ана шундай қурилмадан ракетага қарши курашувчи биттадан ортиқ ракетани айни бир вақтда учира олмайдиган ракетага қарши курашувчи ракеталарни учириш қурилмалари барпо этилмаслиги ва жойлаштирилмаслиги керак. Томонлар ракетадан мудофаа қилинадиган денгиз, ҳаво, космик ёки ердаги мобиль базаларга жойлаштирилган системаларни ёки компонентларини барпо этмаслик ва жойлаштирмаслик мажбуриятини оладилар, шунингдек ракетадан мудофаа системаларини самарали равишда чеклашни таъминлаш юзасидан ўз зиммаларига қўшимча мажбуриятлар оладилар.

Ушбу Шартномага мувофиқ чекланган ракетадан мудофаа системаларини ёки уларнинг компонентларини бошқа давлатларга бермаслик ва ўзларининг миллий территориясидан ташқарида жойлаштирмаслик тўғрисидаги мажбурияти Шартноманинг муҳим элементидир. Бу қоида шу Шартноманинг халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш чораси сифатидаги аҳамиятини оширяпти шубҳасиз.

Шартнома билан айни бир вақтда стратегик ҳужум қурол-яроғларини чеклаш соҳасидаги айрим тадбирлар тўғрисида муваққат битим ҳам имзоланди, деди сўзини давом эттириб В. В. Кузнецов.

Мазкур битимларнинг тузилганлиги, шунингдек ўтган йил май ойида юксак даражада ўтказилган Совет — Америка учрашувларининг умумий якуни, — деб таъкидлади В. В. Кузнецов, КПСС XXIV съезди қабул қилган тинчлик программасини амалга оширишда катта қадам бўлади, партиямизнинг ташқи сиёсат соҳасидаги бош йўлини амалга оширишга катта ҳисса қўшади.

Сўнгра В. В. Кузнецов айтдики, ракетадан мудофаа системаларни чеклаш тўғрисидаги Шартномани АҚШ конгрессининг сенати маъқуллади ва бу Шартноманинг ратификация қилинишини поёнига етказмоқ учун ратификация ёрлиғини президентнинг имзосидан бошқа иш қолмади.

Ҳозирнинг ўзидаёқ бу битимлар катта аҳамиятга эга ҳужжатлар тариқасида кенг равишда эътироф қилинди. Барча мамлакатларнинг халқлари бу ҳужжатларни чуқур мамнуният билан кутиб олдилар, чунки агар ядро уруши бошланадиган бўлса, у бутун инсоният учун жуда катта фожиа бўлур эди, ҳамма халқларга беҳисоб кулфатлар келтирган бўлур эди. Бу нарса ҳар бир кишига аён.

В. В. Кузнецов ахборотни юзасидан музокараларда «Правда» газетасининг обозрачиси, депутат Г. А. Жуков, армия генерали, мудофаа министрининг биринчи ўринбосари, СССР Қуролли Кучлари бош штабининг бошлиғи, депутат В. Г. Куликов, «Известия» газетасининг бош редактори, депутат Л. Н. Толкунов, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари, депутат С. Н. Имашев, авиация генерал-полковниги, СССР ДОСААФ марказий комитетининг раиси, депутат А. И. Покришкин, одимловчи экскаватор машинисти, депутат В. Н. Дубинин сўзга чиқдилар. Сўзга чиққанларнинг ҳаммаси кўриб чиқиш учун ҳавола қилинган Шартнома ҳеч бир ўзгартишсиз маъқулласин ва уни ратификация қилмоқ учун СССР Олий Совети Президиумига юборилсин, деган таклифни якдиллик билан қувватладилар.

Сўнгра М. А. Суслов сўзга чиқди.

СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецовнинг Совет Ҳукумати номидан берган ахборотида ҳамда СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети ташқи ишлар комиссиялари аъзоларининг нутқларида, деди у, ракетадан мудофаа системаларини чеклаш тўғрисида СССР билан АҚШ ўртасида тузилиб, 26 майда Москвада имзоланган ва ратификация қилиниши лозим бўлган Шартнома ҳар томонлама кўриб чиқилди. Стратегик ҳужум қуролларини чеклаш соҳасидаги баъзи чоралар тўғрисида СССР билан АҚШ ўртасида худди ўша куни имзоланган муваққат битим тарчи конституцион тартибда ратификация талаб бўлмаса ҳам, лекин ракетадан мудофаа системаларини чеклаш тўғрисидаги Шартнома билан маҳкам боғланганлиги сабабли бу муваққат битим ҳам айни бир вақтда муҳокама қилинганлиги мутлақо табиийдир.

Ташқи ишлар комиссияларининг аъзолари ўзларининг нутқларида мазкур битимларни ҳақли равишда тавсифлаб, бу битимлар ядро уруши хавфини заифлаштириш ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлида, стратегик қуролланиш пойгасини тўхтатиб туриш ва ёппасига ва батамом қуролсизланиш проблемаси сингари ғоят ҳал этмоқ учун анча қулайроқ шароит яратиб бериш йўлида қўйилган қадам эканлигини уқтириб ўтдилар. Биз В. И. Ленининг: «Қуролсизланиш — социализмнинг идеалидир» деган машҳур сўзларини унутганимиз йўқ, шу сабабли бу идеалга эришмоқ учун ҳамма чораларни кўрмоқдамиз.

Ракетадан мудофаа системаларини чеклаш тўғрисида СССР билан АҚШ ўртасидаги Шартнома, шунингдек, стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисидаги муваққат битим ҳамда юксак доирада олиб борилган музокаралар чоғида 1972 йил май ойида Москвада имзоланган бошқа ҳужжатлар, аввало, партия ва Совет давлати изчиллик билан ўтказиб келаётган тинчликсевар ташқи сиёсатининг ҳамда КПСС XXIV съезди ишлаб чиққан ва амалий равишда рўёбга чиқарилаётган тинчлик учун кураш программасининг натижаси ва катта муваффақиятидир.

Юксак доирадаги Совет — Америка музокаралари ва бу музокараларнинг муҳим изчил натижалари айни вақтда Совет Иттифоқининг қудрати ҳамда обрў-эътибори, халқаро майдондаги кучлар нисбати социализм фойдасига ўзгариб бораётганлигининг ҳам қонуниятли оқибати бўлди. Шундай янги шароит вужудга келдики, бунинг натижасида турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши принципи халқаро муносабатларнинг ривожланишида муҳим омил бўлиб қолди. Урушдан кейинги кўп йиллар давомида социалистик мамлакатлар билан бўлган ўзининг муносабатларида «улоқтириб ташлаш» деган душманлик сиёсатини, зўравонлик позициясига таянган сиёсатини ва шу кабиларни ўтказиб келган Америка Қўшма Штатлари мана шундай янги шароитда халқаро вазиятга хийла реалистик нуқтаи назардан қараб баҳо берадиган бўлиб қолди ҳамда ҳар иккала томоннинг хавфсизлигини баб-баравар таъминлаш манфаатларини, тенглик ва тинч-тотув яшаш принципига, куч қўлланишдан ёки куч қўлланишга таҳдид қилишдан воз кечишга асосланган манфаатларни эътироф қилиши ҳамда Москвада имзоланган «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг Асослари» деб номланган ҳужжатда қайд қилиши лозим бўлиб қолди.

Совет давлатига келганда, кўриб чиқилаётган бу битимни АҚШ билан тузишимиз учун ташқи сиёсатимиз характерини ўзгартиришга тўғри келгани йўқ.

Ракетадан мудофаа системаларини чеклаш тўғрисида Шартнома ҳамда стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисида муваққат битим Москвада юксак доирада олиб борилган музокаралар якунининг жуда муҳим таркибий қисми бўлди. Бу Шартноманинг ва муваққат битимни тузиш катта куч-ғайрат сарфлашни, барча ҳолатларни ҳар томонлама салмоқлаб чиқишни, сабр-матонат билан кўп ойлаб ишлашни талаб қилди. Шундай бўлиши жуда тушунарли ва табиийдир, чунки кун тартибига қўйилган масалалар хавфсизликни таъминлаш масалалари бўлгани каби, ядро ўруши хавфини камайтириш учун истиқбол яратиб бериш масалалари ҳам эди.

Юксак доирада олиб борилган Совет-Америка музокаралари чоғида Москвада имзоланган ҳужжатлар совет халқига ҳам, америка халқига ҳам манфаатли ва фойдалидир. Бу ҳужжатлар бошқа барча халқларнинг ҳам манфаатларига мос бўлиб тушади, тинчлик ва хавфсизлик учун курашда қўйилган янги муҳим қадам бўлиб, халқаро кескинликни ёппасига юмшатиш манфаатларига ҳам мос бўлиб тушади.

Биз муҳокама қилаётган ҳужжатлар, деди пировардида М. А. Суслов, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети томонидан юксак баҳоланганлиги ўзларингизга маълум. Барча совет кишилари бу ҳужжатларни ғоят маъқулламоқдалар.

Шартномани муҳокама қилиш тугалланди. Депутатлар комиссияларнинг чиқарган хулосасини бир овоздан қабул қиладилар. Хулосада бундай дейилади:

СССР Олий Совети Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг ташқи ишлар комиссияларини ракетадан мудофаа системаларини чеклаш тўғрисида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида тузилган Шартномани маъқуллайдилар ва СССР Олий Совети Президиумига уни ратификация қилишни тавсия этадилар.

* * *

СССР Олий Совети комиссияларининг ишида СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ташқи ишлар комиссияси раисининг ўринбосари, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев ва СССР Олий Совети Миллатлар Совети ташқи ишлар комиссияси раисининг ўринбосари А. Ю. Снечкус қатнашдилар.

(ТАСС).

„Марс-2“ ва „Марс-3“ автомат станциялари ёрдамида Марс планетасини илмий тадқиқ қилиш программаси бажарилди

ТАСС АХБОРОТИ

«Марс-2» ва «Марс-3» совет автомат станциялари ёрдамида Марснинг сунъий йўлдошлари орбиталаридан уни тадқиқ қилишнинг планлаштирилган комплекс программаси тугалланди.

Планетанинг юзаси ва атмосферасининг, шунингдек планета атрофидаги космик фазонинг физик хоссалари тўғрисида катта ҳажмда илмий ахборот олинди.

«Марс-2» планеталараро автомат станцияси 1971 йил 19 майда ва «Марс-3» станцияси 28 майда планетага учиш траекториясига чиқарилган эди. Ер-Марс трассасида олти ойдан кўпроқ давом этган парвоз вақтида станцияларнинг бортидан планеталараро космик фазонинг физик характеристикаларини илмий ўлчаш иши муntазам давом эттирилди.

«Марс-2» автомат станцияси 27 ноябрда ва «Марс-3» станцияси 2 декабрда планета атрофидаги орбиталарга ўтказилди ҳамда планетани ва унинг атрофидаги фазони бевосита тадқиқ қилишга киришди.

«Марс-3» автомат станциясининг туширилувчи аппаратини планетага биринчи марта юмшоқ қўндириш ва унинг юзасидан Ерга радио сигнал юбориш амалга оширилганлиги мураккаб космик экспериментнинг жуда катта муваффақияти бўлди. Марс юзасига Совет Иттифоқининг герби тасвирланган вимпеллар элтиб қўйилди.

Ҳозирги вақтгача «Марс-2» станцияси планета атрофини 362 марта, «Марс-3» эса 20 марта айланиб учди.

Марс атрофидаги орбиталар бўйлаб сакқиз ойдан ортиқ парвоз қилиш даврида Марс юзаси ва атмосферасининг хоссалари спектрнинг кўринувчи, инфрақизил ва ультрабинафша диапазонларида, шунингдек радиотўлқинлар нурланиш характерига қараб комплекс тадқиқ қилинди.

Бу ўлчашлар ер сатҳи ва юза қатламининг температурасини аниқлаш, унинг ареографик кенгликка ва Марс суткаларининг вақтига қараб ўзгаришини кузатиш имконини берди. Планета юзасидан айрим иссиқлик аномалиялари аниқланди. Инфрақизил радиацияни карбонат ангидрид газ ютиши тўғрисидаги маълумотларга қараб Марс юзасининг парвоз трассаси бўйлаб баландлик профиллари олинди.

Планетанинг турли областларида сув буги таркибининг ўзгаришлари кузатувлар даврида унинг миқдори Ер атмосферасидагига нисбатан тахминан 5000 баравар кам эканлигини аниқлаш имконини берди.

Тарқоқ ультрабинафша радиацияси миқдорини ўлчаш натижасида планетанинг юқори атмосфераси структураси — унинг узунлиги, таркиби ва температураси тўғрисида маълумотлар олинди. Радио тўлқинлар Марс атмосфераси орқали ўтиб бораётган пайтда унинг синишини ўрганиш планета юзаси яқинидаги босимни ва температурани аниқлашга имкон берди.

Чанг бўрони планетани фотосуратга олишни ва баъзи бир илмий ўлчовларни бирмунча қийинлаштирди. Лекин Марс сунъий йўлдошларидаги фотоаппаратлар ёрдамида олинган Марс гарднишининг тасвирлари планета тўғрисидаги илмий маълумотларни анча тўлдирди. Биринчи марта Марснинг Ердан кўринмайдиган фазаларидаги фотосуратлари олинди.

Космик фазони тинч мақсадларда тадқиқ қилиш соҳасидаги Совет-Франция ҳамкорлиги программасига мувофиқ Франция мутахассислари ишлаб чиқиб, тайёрлаб берган «Стереос» аппаратлари ёрдамида ўтказилган ўлчовлар Қуёш радионурланишининг структураси тўғрисида қўшимча маълумотлар олиш имконини берди.

Космик фазони тадқиқ қилишнинг навбатдаги босқичи тугалланди.

Совет Иттифоқининг илмий муассасаларида Марснинг сунъий йўлдошларидан олинган ахборотни ишлаб чиқиш ва анализ қилиш давом этмоқда.

Совет космонавтикасининг ажойиб муваффақияти самовий жисмларни автомат аппаратлар ёрдамида муntазам равишда илмий тадқиқ қилиш учун кенг имкониятлар очиб беради.

БОҒОТ РАЙОНИДАГИ НАРИМОНОВ НОМЛИ КОЛХОЗНИНГ ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

БОҒОТ РАЙОНИДАГИ НАРИМОНОВ НОМЛИ КОЛХОЗНИНГ ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Боғот районидаги Наримонов номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли колхозининг колхозчилари ва мутахассислари КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини бажара бориб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш, хўжалик экономикасини ва колхозчилар фаровонлигини ошириш борасида қизғин иш олиб бормоқдалар.

Колхоз меҳнатчилари Оҳангарон район чорвадорларининг социалистик мажбуриятларини муҳокама қилиб, мавжуд резервларнинг ҳаммасини ишга солишга интилиб ўзларининг илгари олган мажбуриятларини қайта кўриб чиқдилар ва 1972—1975 йилларда чорвачиликни тағин ҳам тезроқ суръатлар билан ривожлантиришни белгилаб қўйдилар.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Марказий Комитети Боғот районидаги Наримонов номли колхозининг чорвачиликни ривожлантиришга доир социалистик мажбуриятларини маъқуллади.

Область ва район партия комитетларига, колхозлар ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотларига Наримонов номли колхозининг социалистик мажбуриятларини муҳокама қилиш ва шунга асосланиб ҳар бир хўжаликда гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш борасида юбилейга атаб олинган социалистик мажбуриятларни ҳеч сўзсиз бажаришга қаратилган конкрет тадбирларни ишлаб чиқиш топширилди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлиги ва «Узсельхозтехника» республика бирлашмаси зиммасига янги ерларни ўзлаштиришда, зотдор чорва молларни сотиб олишда ҳамда чорвачиликдаги сермеҳнат ишларни механизациялаштиришда Наримонов номли колхозга ҳар томонлама ёрдам бериш вазифасини юклади.

Республика ва область газеталарининг редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг телевидение ва радио эшиттириш Давлат Комитетига Боғот районидаги Наримонов номли колхозининг чорвачиликни ривожлантиришга доир юксак социалистик мажбуриятлари қандай бажарилаётганлигини кенг ёритиб туриш топширилди.

Боғот районидаги Наримонов номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли колхозининг колхозчилари ва мутахассислари КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини бажара бориб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш, хўжалик экономикасини ва колхозчилар фаровонлигини ошириш борасида ўзларининг юксак марраларини белгилаб олдилар.

Тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йили бўлган 1971 йилда колхоз меҳнатчилари деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш топшириқларини муваффақиятли бажардилар.

Пахта тайёрлаш плани 128 процент бажарилди, 2020 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 44,4 центнерга етказиб ҳосил олинди.

Чорвадорлар гўшт тайёрлаш планини 101 процент, сут тайёрлаш планини 104 процент, тухум тайёрлаш планини 188 процент ва жун тайёрлаш планини 100 процент адо этдилар.

Мана шуларнинг ҳаммаси хўжалик экономикасини мустаҳкамлашга, колхозчилар фаровонлигини оширишга имкон берди. 1971 йилда колхоз даромади 5.103 минг сўмни ташкил этди, колхозчилар меҳнатига тўланаётган ҳақ ўрта ҳисобда 144 сўмга етди. Кейинги йилда хўжаликда ишлаб чиқариш ва маданий-маиший объектлар қуриш борасида катта тадбирлар амалга оширилди. Ўйлар газлаштирилди, водопровод ўтказилди, колхознинг ўз теплицалари, механизациялаштирилган гишт заводи, чинни идишлар ишлаб чиқарадиган цехи ва бошқа кўмакчи корхоналари бор.

Турли объектларни қуришга ва колхоз посёлкаларини ободонлаштиришга ҳар йили 700 минг сўмга етказиб пул ажратилмоқда.

Оҳангарон райони чорвадорларининг социалистик мажбуриятларини муҳокама қилиб, бир илгари қабул қилинган мажбуриятларни қайта кўриб чиқдик ва 1972—1975 йилларда қишлоқ хўжалигини ва аввало чорвачиликни тағин ҳам тезроқ суръатлар билан ривожлантиришни мўлжаллаб қўйдик.

Шуни айтиб ўтиш керакки, ҳозирги вақтда колхознинг чорва моллари етарли даражада кўп, шу сабабли бундан буён асосан чорвачиликни интенсивлаштириш, унинг структурасини яхшилаш, чорва ва паррандаларнинг маҳсулдорлигини ошириш йўли билангина чорвачиликни ривожлантириш, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш давом эттирилади.

Қора моллар туёғи 1975 йилда 3 минг 4 бошга етказилади. Сигирлар туёғи 1971 йилдагига нисбатан 1,9 баравар кўпайтирилиб, 1050 бошга етказилади.

Қўйлар туёғи 1975 йилда 5 минг бошга етказилади. Бу эса ҳар йил давлатга 1370 дона қорақўл тери ва 95 центнер жун сотишга имкон беради.

Бундан ташқари табиий кўлларда балиқчилик ривожлантирилади. Ҳар йили савдо шоҳобчаларига 30 тоннага яқин тирик балиқ етказиб бериб турилади. Хўжалигимизда тез суръатлар билан ривожланиб бораётган қуёнчилик ҳам гўштни кўпайтиришда анча аҳамиятга эга бўлади. Бу йил қуёнчилик фермасида 100 бош урғочи қуён боқилган бўлса, 1973 йилда бу қуёнлар сони 400 бошга етказилади.

Қуёнчиликни ривожлантириш тадбирлари ишлаб чиқилди. Шу тадбирларга кўра ҳар йили 21,3 тонна қуён гўшти ва 7100 дона қуён териси олиб турамиз. Хўжаликда беш минг беш паррандага мўлжалланган механизациялаштирилган паррандачилик фермаси қуриб битказилди. Бу ферма ҳар йили 522 минг дона тухум ва 78 центнер парранда гўшти олиб туришга имкон беради. Товуқлар сони 1975 йилда 1971 йилдагига нисбатан 1,8 баравар кўпайтирилади.

Чорва молларни урчитиб кўпайтиришни ҳамда бузоқларни боқиб улғайтиришни яхшилаш, чорвачилик фермаларида наслдорчилик ишлари даражасини ошириш тадбирлари мўлжаллаб қўйилди ва амалга оширилади.

Чорва моллариинг зотини яхшилашга алоҳида эътибор берилади. Шу мақсадда 1972—1974 йилларда 500 бош зотли бузоқ сотиб олинади.

Чорва молларни фермаларда сақлаш ва боқиш шароитини яхшилаш, чоралари кўрилаётганлиги туфайли чорва моллар ва парранда маҳсулдорлиги анча оширилади. Ҳар бир сотиб сигирдан сотиб олинаётган сут 1975 йилда 3500 килограммга етказилади ва 1971 йилдагига нисбатан 2130 килограмм кўпайтирилади, тўштга топширилаётган ҳар бир қора молнинг ўртача вазни 450 килограммга, қўйнинг ўртача вазни 45 килограммга, чўчқанинг ўртача вазни 120 килограммга етказилади. Тухумга кирган ҳар бир товуқдан 110 донага етказиб тухум олишга эришамиз.

Чорва ва парранда маҳсулдорлигини ошириш чорвачилик маҳсулоти етиштиришни ва уни давлатга сотишни анча кўпайтиришга имкон беради. Колхозда гўшт етиштириш 1975 йилда 440,1 тоннага етказилади ва 1971 йилда эришилган даражага нисбатан 3,3 баравар кўпайтирилади. Етиштириладиган сут 2450 тоннага етказилади ёки 1971 йилдагига нисбатан 4,1 баравар кўпайтирилади, тухум 522 минг донага етказилади ва 5,6 баравар кўпайтирилади.

Мана шуларнинг ҳаммаси етиштириладиган чорвачилик маҳсулотининг миқдорини анча ошириш имкониятини беради. 1975 йилда давлатга 400 тонна ёки 1971 йилдагидан 4,5 баравар кўп гўшт ва 2000 тонна ёки1971 йилдагидан 5 баравар кўп сут сотилади. Давлатга сотиладиган тухум тўрт ярим баравар кўпайтирилади ва йилига 300 минг донага етказилади.

Пахта етиштириш учун ихтисослаштирилаётган бизнинг хўжалигимизда чорвачилик маҳсулотини етиштиришни ва давлатга сотишни бунчалик анча кўпайтириш мураккаб ва масъулиятли вазифадир. Бироқ, бу бажарса бўладиган реал вазифадир.

Бу вазифани амалга оширмоқ учун биз чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш борасида бир қанча тадбирларни мўлжаллаб қўйибмиз. Табиий пичанзорлар ва яйловлар бўлмаган бизнинг шароитимизда шундай тадбирларни амалга ошириш айниқса зарур. Пахта, сабзавот, картошка, мева ва узум етиштиришни янада кўпайтириш билан бир қаторда мол озуқаси экиладиган майдонлар анча кенгайтирилади. Бу экинларнинг ҳосилдорлиги оширилади.

Экин майдонларини кенгайтириш мақсадида 503 гектар янги ер ўзлаштирилади, шу жумладан Амударё бўйидаги қайир ерларда 300 гектар майдон ўзлаштирилади. Шу билан бир вақтда эскидан экилиб келган ерлардан анча самарали фойдаланиш тадбирлари амалга оширилади.

Озиқа экинлари экилаётган майдонлар 1971 йилдаги 453 гектардан 1975 йилда 950 гектарга етказилади ёки 2,1 баравар кўпайтирилади, шу жумладан бедапоялар 237 гектардан 600 гектарга етказилади. Мол озуқаси экинларининг ҳосилдорлигини ошириш учун барча зарур чоралар кўрилади. Силос бостириш учун экилаётган маккажўхорининг ҳосилдорлиги гектар бошига 500 центнерга, эски бедапояларнинг ҳар бир гектаридан олинаётган қуруқ беда 150 центнерга етказилади. Бу йил беда уругини биз фақат маккажўхори ва суданка билан қўшиб сепамиз. Экинларни сифатли парвариш қилишни таъминлаймиз ва гектар бошига камида 400 центнер хўл беда ва 50 центнер қуруқ беда оламиз. Бундан ташқари 40 гектар ерга маккажўхорини лавлаги билан қўшиб экиб 800 тонна лавлаги оламиз.

Дон олиш учун маккажўхори ва озуқа экилаётган майдон кенгайтирилиб 250 гектарга етказилади, дон олиш учун экилган маккажўхорининг ҳосилдорлиги 50 центнерга, оқ жўхорининг ҳосилдорлиги эса гектар бошига 60 центнерга етказилади.

Озуқа экинларидан йилига икки марта ҳосил олиш ва бошқа экинлардан кейин экиб яна ҳосил олиш усули кенг қўлланилади. 1975 йилда ҳаммаси бўлиб 7321 тонна озуқа бирлиги олишни таъминлаймиз. Бу эса хўжаликнинг мол озуқасига бўлган эҳтиёжини тўла-тўкис таъминлайди.

Колхозимизда мол озуқаларини тайёрлаш ва уларни молларга бериш учун ҳозирлаб қўйиш борасида илғор методлар кенг қўлланилмоқда. Молларга ҳашакларнинг ҳаммасини фақат майдалаб ва тўйимли қилиб бермоқдамиз. Озуқаларнинг тўйимлилигини оширмоқ ва молга бўриш учун уларни яхшилаб ҳозирламоқ учун колхозда омухта озуқа тайёрлайдиган кичикроқ завод қуришни мўлжаллаб қўйдик.

Чорвачилик бинолари қуришга, фермаларда сермеҳнат ишларни механизациялаштириб меҳнатнинг сарфланишини анча қисқартиришга ва етиштирилаётган маҳсулот таннархини пасайтиришга катта эътибор берилади.

Чорвачиликдаги сермеҳнат асосий ишларнинг ҳаммаси 1975 йилгача батамом механизациялаштирилади.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти хўжаликка раҳбарлик қилиш борасида кун сайин олиб бораётган ўзининг ишида чорвачилик кадрларини танлаш ва жойжойига қўйиб ишлатиш, уларнинг малакасини ошириш масалаларига, юксак даражада унумли меҳнат қилмоқ ва маданий ҳордиқ чиқармоқ учун уларга зарур шароит яратиб беришга катта эътибор бермоқда.

Наримонов номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли колхозининг колхозчилари ва мутахассислари чорвачилик маҳсулоти етиштиришни анча кўпайтиришга доир социалистик мажбуриятларини қабул қилиб, бу мажбуриятларни муваффақиятли адо этмоқ учун бутун куч ва ғайратларини сарфлайдилар.

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАР КОЛХОЗ ПРАВЛЕНИЕСИ БИЛАН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН МАЖЛИСИДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ.


ҚИШКИ ПОЙАФЗАЛЛАР

Ҳадемай куз ҳам бошланади. Уёғи қиш... Шуни ҳисобга олиб пойтахтимиздаги 1 ва 2-пойафзал фабрикаларининг меҳнатсевар коллективлари аҳоли учун кузги ва қишки пойафзаллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. Бу пойафзаллар янги мода асосида тикилган бўлиб, ихчам ва жуда чидамлидир.

Кузги мавсумга атаб тикилган усти хром, таги чидамли материалдан ишланган аёллар ва эркакларнинг пойафзалларн магазинларда сотила бошланади. Бундан ташқари, хотин-қизларнинг сунъий чармдан ишланган ичи момиқли қишки пойафзали ҳам тикилмоқда. Ичи момиқли пойафзаллар эркаклар учун ҳам ишлаб чиқарила бошланди.

1-пойафаал фабрикасининг коллективи Ивановодаги дўстларимиз юборган сунъий чарм маҳсулотидан ҳам бир қанча янги моделдаги пойафзаллар ишлаб чиқаришни мўлжаллаган. Бу пойафзаллар жуда нхчам ва чидамли бўлиб, айни пайтда анча арзондир. Тикилаётган пойафзаллар Қозоистон, Қирғизистон, Тожикистон республикаларига ҳам юборилмоқда.

Янги ўзлаштирилаётган пойафзаллар ичида хотин-қизларнинг этиги ҳам бор. Бу маҳсулот ўтган йилдагига нисбатан икки баравар кўп ишлаб чиқарилади.



ФИРМА—АФЗАЛ

Тошкент шаҳридаги ва областдаги майда металл ишлаш корхоналари ишлаб чиқариш жиҳатдан бирлаштирилса, кўп самара бериши мумкин. Ўзбекистон ССР Госплани ҳузуридаги экономика бюроси чиқарган хулосани бир неча сўз билан ана шундай таърифлаш мумкин. Бу хулоса бутун тафсилотлари билан иккита катта томни ташкил этди. Бу томлар амалда фойдаланиш учун республиканинг тегишли органларига топширилди.

Бюро ходимлари-экономистлар ва технолог инженерлар республика маҳаллий саноати министрлигига қарашли бирбирига ўхшаш тўққизта заводда олти ой давомида ишлаб чиқариш резервларини батафсил ўргандилар. Уларнинг кўрган манзараси қувончли эмас эди. Шу корхоналарнинг деярли ҳаммаси план топшириқларини бузишади, машина-ускуналардан яхши фойдаланмайди, маҳсулот таннархининг юқори бўлишига йўл қўяди. Бир хил маҳсулот ишлаб чиқариш ишга ҳалақит бермоқда: бир неча завод айни бир вақтда йигирма бир хил буюм ишлаб чиқармоқда. Маҳаллий саноат ходимларининг ўзлари корхоналарни бирлаштириш, уларни қатъий ихтисослаштириш масаласини қўйишган. Лекин буни амалга ошириш учун аниқ, илмий жиҳатдан асосланган ҳисоблашлар талаб қилинди.

Экономистлар ўз қидирув ишларини кровать, идиш-товоқ, ҳар хил хўжалик буюмлари ва фурнитура ишлаб чиқараётган завод цехларидагина олиб борганлари йўқ. Улар мамлакатда энг яхши ҳисобланган Олмаота маҳаллий саноат бирлашмасининг иши билан, бошқа илғор коллективларнинг фаолияти билан танишиб чиқдилар.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, корхоналарга раҳбарликни қайтадан ташкил қилиб, уларни ихтисослаштириш бир йилда камида 180 минг сўм қўшимча фойда олиш имконини беради. 200 тадан кўпроқ технология машина-ускуналари бўшатилади. Шу машина-ускуналарни ишга солиш эса маҳсулот ишлаб чиқаришни ярим миллион сўм кўпайтириш имконини беради.

Экономика бюросининг мутахассислари ишлаб чиқариш бирлашмаларини ташкил этишда ёрдам кўрсатишни фақат маҳаллий саноатгагина таклиф қилганлари йўқ. Улар шартнома асосида ишлаб, энди озиқ-овқат саноатига қарашли бир неча группа корхоналарга раҳбарликни такомиллаштириш имкониятларини ҳам қидирмоқдалар. Айни вақтда Ўзбекистондаги дастлабки ишлаб чиқариш бирлашмаларининг тажрибасини умумлаштириш юзасидан катта иш бошлаб юборилди. Марғилон «Атлас» фирмаси ва Тошкент «Юлдуз» фирмасининг иш тажрибаси ўрганиб чиқилди.

(ЎзТАГ).

«ВОДОКАНАЛ» трестининг Салар станцияси бир суткада 300 минг куб метр сувни тозалай олади. Бунинг учун 82 гектар ерга автомат ва яримавтомат мосламалар ўрнатилган. Суратда: Станциянинг тозалаш иншооти.

А. ГОРОКРИК фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ТАНҚИД ВА ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД РУҲИДА

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

1-«Назарбек» совхози Калинин районидаги йирик сабзавотқор хўжаликлардан бири ҳисобланади. Бу хўжалик меҳнаткашлари ҳар йили шаҳар аҳолисига мўл-кўл картошка, сабзавот, қовун-тарвуз маҳсулотлари етказиб бермоқдалар.

Кейинги йилларда хўжаликни юксалтириш юзасидан талайгина тадбирлар амалга оширилди. Экин майдонларининг структураси яхшиланиб, деҳқончилик маданияти бирмунча ошди. Кўпгина бўлимларга ишбилармон, малакали мутахассислар раҳбарлик қила бошладилар. Бу участкаларда коммунистлар иш боши қилиб тайинланди. Бўлимлар, бригадалар ўртасида социалистик мусобақа йўлга қўйилди. Ишчиларнинг моддий манфаатдорлиги оширилди. Совхоз механизаторларининг маданий-маиший турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган қатор тадбирлар кўрилди.

Лекин булар совхозда ҳамма иш жойида, хўжалик ҳамма соҳалардан ҳам яхши даромад олярти, деган сўз эмас. Совхоз маъмурияти олдида бир қатор ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар бор. Ҳамма бўлимларда ҳам ҳосилдорлик даражаси бир хил эмас, даромад ҳам шунга яраша. Чорвачилик ҳамон рентабелли тармоққа айланган йўқ, фойда ўрнига зиён келтиряпти. Ишчилар учун маданий-маиший хизмат кўрсатувчи биноларни қуриш йўлга қўйилмаган. Маҳсулотни йиғиб-териб олиш, давлатга топшириш ва социалистик мусобақани ташкил этишда ҳам бир қатор камчиликлар бор.

Совхоз партия комитети олдида маъмурият билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришга раҳбарликни яхшилашда, коммунистларнинг авангардлигини оширишда дастлаб ана шу масалаларни ҳал қилишдек масъулиятли вазифа туради.

Совхоз коммунистларининг партия ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарлик муносабати билан ўтказилган йигилишида партиявий-ташкилий ишларни яхшилаш, партия ҳужжатларини алмаштиришга пухта тайёргарлик кўриш масаласи юқорида айтилган вазифаларни ҳал қилиш билан чамбарчас боғланган ҳолда жуда чуқур, атрофлича муҳокама қилинди. Коммунистларнинг бутун диққат-эътибори КПСС Марказий Комитети Май Пленуми қарорларини бажаришга юзасидан олдинга қўйилган вазифаларни бажаришга қаратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мажлис коммунистларнинг актив иштирокида принципиал, ўзи-ўзини танқид руҳида ўтди. Докладчи ҳам, музокарада сўзга чиққан нотиқлар ҳам кўпчиликни ҳаяжонлантираётган, ташвишга солаётган масалаларни ўртага ташладилар. Ишлаб чиқаришни кескин юксалтириш, хўжаликнинг бундан кейинги истиқболи, одамларнинг моддий бойлиги, маданий-маиший турмуши, партиявий раҳбарлик, авангардликни кучайтириш ташкилий-сиёсий оммавий ишларни савиясига ҳар томонлама боғлиқ эканлиги яққол ўз ифодасини топди.

— Ташкилотимиз ҳисобида,— деди партия ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарлик муносабати билан ўтказилган йигилишда партиявий-ташкилий ишларни яхшилаш, партия ҳужжатларини алмаштиришга пухта тайёргарлик кўриш масаласи юқорида айтилган вазифаларни ҳал қилиш билан чамбарчас боғланган ҳолда жуда чуқур, атрофлича муҳокама қилинди. Коммунистларнинг бутун диққат-эътибори КПСС Марказий Комитети Май Пленуми қарорларини бажаришга юзасидан олдинга қўйилган вазифаларни бажаришга қаратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мажлис коммунистларнинг актив иштирокида принципиал, ўзи-ўзини танқид руҳида ўтди. Докладчи ҳам, музокарада сўзга чиққан нотиқлар ҳам кўпчиликни ҳаяжонлантираётган, ташвишга солаётган масалаларни ўртага ташладилар. Ишлаб чиқаришни кескин юксалтириш, хўжаликнинг бундан кейинги истиқболи, одамларнинг моддий бойлиги, маданий-маиший турмуши, партиявий раҳбарлик, авангардликни кучайтириш ташкилий-сиёсий оммавий ишларни савиясига ҳар томонлама боғлиқ эканлиги яққол ўз ифодасини топди.

— Ташкилотимиз ҳисобида,— деди партия ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарлик масаласида доклад қилган партком секретари Қодир Дўсжонов,— олтита цех партия ташкилоти бор. Коммунистларнинг деярли кўпчилиги ўзларига топширилган ишни муваффақиятли уддалаб, бошқаларга ибрат бўлмоқдалар. Деярли кўпчилик коммунистлар партия топшириғига эга.

Партия топшириғи — тарбиянинг таъсирчан воситасидир. Шунинг учун ҳам биз партия топшириғини сидқидилдан бажарган коммунистларни ҳурмат қиламиз, уларнинг тажрибасини оммалаштирамиз. Бизда бундай коммунистлар сафи ортиб бормоқда. О. Норқулов, Н. Эргашева, С. Каримбеков, У. Каримшоев, В. Тенчурина, Д. Мусабеков, К. Сувонбоева каби коммунистларимиз омма ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни амалга оширишда, хўжалик вазифаларни ҳал қилишда партия комитетига, маъмуриятга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Улар мажлисларда актив қатнашадилар, муҳокама қилинган масалалар бўйича ўзларининг холисона фикрларини, фойдали таклиф-мулоҳазаларини билдирадилар. Мана шу сингари коммунистлар бош бўлган участкаларда, бригада ва звеноларда ҳосилдорлик ортиб, маҳсулот таннархи камаймоқда.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққанлар ўзининг ҳалол меҳнати, хулқи, интизоми, жамоатчилик ишларида актив қатнашиши билан намуна бўлаётган бундай коммунистлар билан бирга пассивлик қилаётган коммунистлар ҳам йўқ эмаслигини мисоллар билан айтиб ўтдилар. Бундай коммунистлар мажлисларда сўзга чиқиш у ёқда турсин, ҳатто кўп ҳолларда ўзларининг партиявий бурчларини бажармайдилар, йиғилишларга баъзан ҳеч қандай сабабсиз иштирок этмайдилар. Н. Абдиқулов, Н. Ёқубов, Г. Аҳмедсафин, Г. Асилов, Э. Очилбоев, В. Жўраев, Н. Муродов, Ж. Носиров ва И. Турсунов каби коммунистлар Устав қоидаларининг бузилишига йўл қўймоқдалар. Улар ҳатто аъзолик бадалларини ҳам ўз вақтида тўламайдилар. Партия ҳужжатларини алмаштириш жараёнида сафимиздаги мана шундай коммунистлардан ҳоли бўлиш тадбирларини кўриш керак.

Мажлисда партиявий-ташкилий ишлардаги бошқа камчиликлар ҳам очиб ташланди. Коммунистлар бошлиқ бўлим ва бригадаларнинг ишлари чуқур таҳлил этилди. Совхозда кўпгина бригадаларда мўл ҳосил етиштирилди, бироқ шу кеча-кундузда маҳсулотни йиғиб олиш ва топшириш, кечки экинлар экиш ишлари талабга жавоб бермайди. Совхознинг барча имтиёзларидан теппа-тенг фойдаланаётган, ноз-неъматлардан баҳраманд бўла туриб, меҳнатга келгач сарф-харажат кўп бўлди-ю, натижа қаноатланарли эмас. Нега сигирлардан кам бузоқ олинди? Ортиқча харажатларни ниманинг ҳисобига қоплайсиз?!

Устма-уст берилган бу саволлар олдида бош зоотехник ожизлик қилди. Нима дейишини билмай бошини қуйи эгди, кизарди.

Йигилиш аҳли чорвачиликни ривожлантиришда коммунистларнинг иштироки масаласини алоҳида ўрганиб, бюро йигилишида кўришни тавсия этди.

Кекса коммунист Обид ака Салимов топширилган ишга муносабат, коллектив раҳбарлик, коммунистнинг бурчи ва масъулияти ҳақида жон куйдириб гапирди:

— Ҳозир айни пишиқчилик пайти, пайкалларда ҳосил мўл. Лекин, биз масъулиятни тўлиқ ҳис қилмаяпмиз. Шунинг учун ҳам айрим бригада ва звеноларда планларнинг бажарилиши яхши эмас. Интизом бўшашиб кетган. Белгиланган графикнинг бажарилиши қатъий назорат қилинмайди. Бизда ишнинг кўзини биладиган, тажрибакор деҳқонлар, мутахассислар бор. Улардан ўз ўрнида фойдаланиш, уларга катта ишонч билдириш масъулиятини ошириш керак.

Совхоз қишлоқларини ободонлаштириш юзасидан кейинги пайтларда қилинган ишлар шу кунларнинг талабига тўла жавоб бермайди. Бу соҳалаги ишларни яхлит кучайтириш керак. Ана шу мақсадда пенсионер отахонлар билан бамаслаҳат иш юритиб, уларнинг фойдали таклиф ва мулоҳазаларини эшитиш, шу асосда ишни жонлантириб юбориш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун эса ташкилотчилик керак бўлади.

Кекса ишчи Холмирза ака Машарипов Обид аканинг фикрларини қўллаб-қувватлаб гапирди.

Совхознинг 2-бўлимида 27 коммунист бор, лекин бўлим кўрсаткичлари қаноатланарли эмас. Зиммага олинган мажбурият жуда суст бажарилмоқда, механт унумдорлиги паст, дала ишлари суст ташкил этилган, коммунистларнинг авангардлик роли, етакчилиги сезилмаяпти.

Йигилишда сўзга чиққан совхоз директори Манноп Расулев, қишлоқ Совети раисининг ўринбосари Собир Эргашев, совхоз комсомол ташкилотининг секретари Серикбой Каримбеков, ем-хашак бригадаси бошлиғи Наримон Абдуллаев ва бошқа ўртоқлар социалистик мажбуриятларни бажаришда социалистик мусобақанинг роли катталигини, шу кеча-кундузда дала шийпонларида оммавий-сиёсий ташкилотчилик ишларини кучайтириш зарурлигини гапирдилар. Партия ташкилоти фаолиятини ҳар томонлама жонлантириш билан боғлиқ бўлган масалалар ҳақида фикр юритдилар.

Партия йиғилиши қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Май Пленуми қарорларини якдиллик билан қўллаб-қувватлаб беш йилликнинг иккинчи йили хўжалик вазифаларини муваффақиятли бажаришнинг янги-янги имкониятларини аниқладилар. Партия ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарлик ва бу ишни юксак савияда ўтказиш юзасидан партия комитети тузган махсус тадбирни кенг муҳокамадан сўнг қабул қилдилар.

Н. НАСИМОВ,
Н. РИҲСИЕВ.

ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРДА

КОМБАЙНЛАР РЕМОНТИ УЧУН

✦ «АКТЮБСТРОЙ» трести комбайн ремонт қиладиган завод биринчи ишлаб чиқариш корпусини қура бошлади. Корхонанинг 150 метрли тўртта пролёти батамом темир-бетон конструкциялардан йиғиб ясалади.

Ҳозирга қадар областда ғалла ўрувчи техникани ремонт қиладиган махсус корхона йўқ эди. Қурилаётган завод ҳар йили мингта ўрим агрегатини ремонт қилишга мўлжалланади. Бундан ташқари бу ерда комбайн моторлари, гидросистемалар ва бошқа узелларни тикланади. Пролетлардан бири кучли «К—700» тракторларини ремонт қилишга мўлжалланади.

Заводни 1974 йилнинг биринчи палласида ишга тушириш мўлжалланмоқда.

АКТЮБИНСК.

ОЗАРБАЙЖОНДА ПАХТА ТЕРИМИГА ТУШИЛДИ

✦ ОЗАРБАЙЖОН пахта далаларининг меҳнатчилари ҳосил теримига киришдилар. Барда, Курдамир, Агдам ва кўпгина бошқа районларнинг тайёрлов пунктларига дастлабки тонна пахта жўнатилди.

Пахтакорлар бу йилги қиш ва баҳор мавсумининг ноқулай об-ҳаво шароитлари натижасида вужудга келган қийинчиликларни бартараф қилиб, ғўзаларни яхши парвариш қилганликлари туфайли усимликнинг нормал ривожланишига ва мўл ҳосил тўплашига эришдилар.

БОКУ.

УССУРИ ТАЙГАЛАРИНИНГ ТУҲФАСИ

✦ ПРИМОРЬЕДА серёгин кунлардан кейин ҳаво очилиб кетди. Қўзиқорин пайдо бўлди. Давлат ва кооператив хўжаликларининг тайёрловчи бригадалари, ҳаваскорлар Уссури тайгасига қўзиқорин тергани чиқишди. Қабул пунктларига 200 тоннага яқин қўзиқорин етказиб берилди.

Шу пунктларга тайганинг бошқа инъоми—доривор ўсимликлар, юмшоқ мевалар топширилмоқда. Бу йил женьшень ҳосили чакки бўлмади. Олисдаги ўрмонларининг тайга чангалзорларида истопарлик ҳаётбахш илдизидан қариб 100 килограммини қазиб олдилар. Бу—йиллик топшириқнинг ярмига тенг келади.

АРСЕНЬЕВ.

ШИМОЛИЙ МАГНИТКА КЕНГАЙТИРИЛДИ

✦ ЧЕРЕПОВЕЦ металлургия заводида ишлаб чиқарувчи цехнинг иккинчи стани фойдаланишга қабул қилиб олинди. Янги агрегат ҳар йили мураккаб шаклдаги 200 минг тонна ҳар хил пўлат профиллар тайёрлаб чиқаради.

Шимолий Магнитка янги станининг маҳсулоти асосан қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналари ва автомобиль заводларига аталган.

(ТАСС мухбирлари).
ЧЕРЕПОВЕЦ.

ТОШКЕНТ МЕТРОСИ ҚУРИЛИШИДА

АНГРЕНЛИКЛАР ҲИССАСИ

Азнарслон Зинурович кран машинистига турли хил ишоралар қиларди. Хартумда юқорига кўтарилган катта панель монтажчилар томонидан белгиланган жойга мустаҳкам ўрнатилгач, кран яна янги панель олиш учун ўз илмоғини пастга туширa бошлади. Бригадир кран машинисти ва монтажчиларнинг жуда ҳам яхши ишлашаётганидан бениҳоя руҳланиб:

— Яшанглар! Иш деган бундай бўлибди. Суръатни бўшаштирмасак, маррани барвақтроқ эгаллаймиз,— деди.

Бу дондгор бинокор раҳбар-бригадаси. Тошкентда метрополитен қурилиши учун компрессор станциясини бунёд этяпти. Бригада аъзоларининг кўпчилиги ёшлар ташкил этишга қарамай, зўр ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилинмоқда. Юксак ишончи оқлаш, мураккаб иншоотни белгиланган муддатда қўлдан чиқазиш барча монтажчиларнинг мақсади, эзгу ниятидир. Улар фақатгина сўнгги ойда белгиланганига қараганда 80 минг сўмлик кўп темир бетон ва металл конструкцияларини монтаж қилдилар.

Шу йил январь ойининг иккинчи ярмида комсомол кўли ёнида янги қурилиш майдони пайдо бўлди. Бу ерга Ангрендаги «Ўзбекшахтострой» трестининг 6-қурилиш бошқармаси бинокорлари келдилар. Махсус участка ташкил этилгач, бу участка компрессор станциясини қуришга киришди.

Объектда биринчи бўлиб Афанасий Голобородько бошчилигидаги бригада ишга киришди. Бригада аъзолари сидқидилдан меҳнат қила бошладилар. Айниқса, опалубка тайёрловчи дурадгор Николай Иваненко меҳнатда касбдошларига ўрнак бўла бошлади. У нормани доим ортиғи билан адо этди ва қолипларни сифатли тайёрлади. Бу билан бетон ишларининг жадал олиб борилиши ва сифатли бўлишига муносиб ҳисса қўшди. Шунинг учун бетон ишлари сифати юксак бўлди. Бригада аъзолари компрессор станцияси пойдеворига қисқа вақт ичида 750 кубометрдан ортиқ бетон ётқизидилар.

СССР ташкил топганининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш ва зиммага олган шахсий мажбуриятларини муваффақиятли бажариш юзасидан бораётган мусобақада бетончи Виктор Корягин, дурадгорлардан Константин Анже, Иван Зашчихин, арматурачи Сим Сан Ен ва бошқалар юксак меҳнат кўрсаткичларига эришмоқдалар. Улар беш кунлик топшириқни узоги билан уч ярим кунда бажариб, ҳар ойда олти иш кунини тежаб колишяпти.

Участкадаги барча бригадаларнинг самарали ишлари туфайли компрессор станцияси қурилиши графигидагидан анча тез боряпти. Шу йилнинг биринчи ярмида 150 минг сўм ўзлаштирилиши лозим бўлгани ҳолда 200 минг сўмлик иш бажарилди. Июль ойида эса 45 минг сўмлик қурилиш монтаж ишлари амалга оширилиб, топшириқ анча ортиғи билан адо этилди.

Компрессор станцияси 1973 йилнинг 1 январигача фойдаланишга топширилиши керак. Буни барпо этаётган ангренлик бинокорлар коллективи зиммаларига юксак мажбуриятларни олишган, қурилиш ишларини муддатидан анча илгари 7 ноябргача бажаришга аҳд қилганлар. Коллектив ўз сўзининг устидан чиқмоқда. Қурилиш ишларини тобора жадаллаштиряпти.


Ҳозирнинг ўзидаёқ компрессор станцияси корпуси деярли кўтарилиб қолди. Қурилишнинг яхши бораётганлигини қуйидаги мисолдан ҳам билса бўлади: А. Голобородько бригадасига бажарилган ишлар юксак бўлганлиги учун СССР Қурилиш министрлигининг фахрий ёрлиғи берилди. Ангренлик бинокорлар Тошкентда энг қулай транспорт метрополитен қурилишига муносиб улуш қўшмоқдалар.

А. МУРАВИЦКИЙ,
А. ЦАРЬКОВ.

✻

ТОШКЕНТ трактор заводининг зиммасига шахсий мажбурият олиб ишлаётган аксарият машинасозлари унумли меҳнат қилишяпти. Созловчи ўртоқ Т. Султонов ҳам эл-юрт олдида берган ваъдасининг устидан чиқаётган пешқадамлардан. У нормани доим ортиғи билан бажармоқда. Суратда: ўртоқ Т. Султонов.

А. ТЎРАЕВ фотоси.



СТУДЕНТЛАРГА СОВҒА

Ҳадемай ҳамма жойда янги ўқув йили бошланади. Пойтахтимизда бу йил институтлар учун ҳам янги бинолар фойдаланишга топширилди. Жумладан, 8-қурилиш трестининг меҳнатсевар коллективи Чафахова кўчасида замонавий лойиҳа асосида фармацевтика институтининг кўркам корпусини қуриб битказдилар. Бино жуда чиройли ва гўзал. Студентларнинг билим олишлари учун жуда қулай. Аудиториялари кенг ва ёруғ.

Институтнинг ўндан ортиқ кафедраларида практик машғулотлар ўтказиш учун лабораториялар ажратилган. Студентлар ўз назарий билимларини мустаҳкамлаш учун лабораторияларда тажрибалар ўтказадилар. Ўн еттита лабораториянинг ҳаммаси керакли приборлар билан жиҳозланган.

Институтнинг 420 студентга мўлжалланган мажлислар зали ҳам мавжуд. Спорт залчиқроатхоналар, ошхона ва буфетлар ҳам шу бинонинг ўзида жойлашган. Янги бинода 1700 студент таълим олади.

МАКТАБЛАР ЯНГИ ВАЗИФАЛАР ОЛДИДА

ОБЛАСТЬ партия комитети томонидан чақирилган халқ маорифи ходимларининг область женгашида КПСС XXIV съезди қарорлари асосида мактабларимиз олдида турган вазифалар, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган тадбирларга тааллуқли қатор муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Кейинги пайтларда партия ва ҳукуматимиз халқ маорифи системасини янада такомиллаштириш, умумий ўрта таълимга ўтишни тугаллаш, олий таълимни янада ривожлантириш тўғрисида жуда муҳим қарорлар қабул қилдилар. Эълон қилинган КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Советининг «Ёшларни умумий ўрта таълимга ўтказишни тугаллаш ва умумий таълим мактабларини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарори муносабати билан эндиликда мактабларимизда олиб борилаётган таълим ва тарбия ишлари мазмунига сифат жиҳатидан мутлақо янги ўзгартишлар киритилди.

Партия ва ҳукуматимиз ҳамиша-ҳамрўз халқ ўқитувчилари тўғрисида ғамхўрлик қилиб келмоқда. Яқинда қабул қилинган КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг ўқитувчилар, мактабгача тарбия муассасалари тарбиячиларининг моддий фаровонлигини яхшилаш мақсадида уларнинг ставкалари ва мансаб окладларини шу йил 1 сентябрдан бошлаб оширии тўғрисидаги қарори ҳам халқ маорифи ходимларининг кўп минг кишилик армияси томонидан қизғин кутиб олинди.

Область партия комитетининг секретари Б. А. Абдураззоқов маорифчилар анжуманини очар экан, мактабларимиз ҳаётида бўлаётган катта ўзгаришлар, партия ва ҳукуматимиз қарорларининг аҳамиятини уқтириб, бугунги кенгашнинг янгича ўқув йили арафасида очилганлиги бежиз эмаслигини таъкидлади. Ўқитувчиларнинг бўлажак август кенгашларида шу кунларда педагоглар олдида турган асосий вазифалар ҳақида гап юритилади,— дейди Б. А. Абдураззоқов.— Мактабда барча ишни асосан ўқитувчилар ҳал қилади. Уларсиз мактабни ҳам, таълим-тарбия ишларидаги муваффақиятларни ҳам тасаввур қилиб бўлмайди. Халқ маорифи системасидаги ютуқларимиз ўқитувчиларнинг маҳоратига, уларнинг тайёргарлиги, ғоявий-назарий жиҳатдан етуклигига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам раҳбар партия ва совет ташкилотлари ўқитувчилар ишидан ҳамиша бохабар бўлиб туришлари, уларга раҳбарликни ҳамиша яхшилаб боришлари лозим.

Сўнгра область партия комитети фан ва ўқув юртлари бўлимининг мудири А. Н. Носиров ўтган ўқув йили якунлари ва халқ маорифига раҳбарликни яхшилаш йўллари ҳақида доклад қилди.

Докладчи барча шаҳарлар ва районлар мактабларидаги ишларни батафсил таҳлил қилиб берди. Ёш авлодни ўқитиш ва

МАОРИФ ХОДИМЛАРИНИНГ ОБЛАСТЬ КЕНГАШИДАН

тарбиялаш соҳасида партия, совет ташкилотлари, халқ маорифи бўлимлари ва мактаб раҳбарлари томонидан йўл қўйилаётган камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтди.

Мактабларимизда эришилаётган ютуқлар билан бирга болаларни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида қатор камчиликларга йўл қўйилмоқда,— деди докладчи,—мактаблардан ўқувчиларнинг кетиб қолиш ҳоллари, иккинчи йилга қолдирилган талабалар ҳамон учраб турипти. Бундай фактларнинг борлигига директор ва инспекторлар назоратининг сифатсизлиги сабаб бўлмоқда. Область халқ маорифи бўлими шаҳар ва район халқ маорифи бўлимларига талабчанликни кучайтирмаётир, ўзи чиқарган қарорларнинг бажарилишини ҳамиша ҳам контроль қилавермайди.

Республикамизда педагог кадрларнинг сафи йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Эндиликда мураббийларимизнинг асосий қисмини тажрибали, моҳир педагоглар ташкил этади,— деди сўзга чиққан Ўзбекистон ССР Маориф министри С. Ш. Шермуҳамедов. Нотиқ ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашда ўқитувчиларнинг шахсий жавобгарлиги жуда ҳам муҳим эканлигини таъкидлади. Шунингдек С. Ш. Шермуҳамедов барча ёшларни ўрта таълимга ўтказиш муносабати билан Тошкент областида қандай тадбирлар амалга оширилиши лозимлиги ҳақида ҳам тўхталди.

Область мактабларида халқ маорифи соҳасида катта-катта ишлар амалга оширилмоқда. Лекин шу билан бир қаторда таълим-тарбияга таллуқли янги тажрибалар кенг ёйилмаётир. Дарслар сифатининг юқори бўлиши ўқув базаларининг нақадар яхши бўлишлигига боғлиқдир. Лекин кўпчилик мактабларда ўқув лабораториялари, кўргазмали қуроллардан фойдаланиш талаблар даражасида эмас. Мактаб қошидаги интернатларга, кўни узайтирилган группалар ишига, кабинет усулида ўқитиш методига алоҳида эътибор бермоқ керак.

Мактабларда таълим-тарбия ишларининг юксак савияда бўлишлиги учун, уларни мутахассис кадрлар билан комплектлашга, узоқ йиллардан бўён ишлаётган ва янги ишга қабул қилинган ўқитувчиларга қулай моддий маданий шароитларни яратиб бериш масалалари ҳамиша раҳбар ташкилотларнинг назар эътиборида бўлмоғи лозим.

Музокарада сўзга чиққан нотиқлар ўқитувчиларнинг ўз устларида ишлаши, касб маҳоратларини тинмай оширишлари ва ғоявий назарий жиҳатдан пишиқ-пухта бўлишлари тўғрисида ҳам тўхтадилар.

Педагогика фанлари илмий-текшириш институтининг директори И. Қ. Қодиров ўз сўзида мактабларда янги программага ўтиш муносабати билан қилинган ишлар тўғрисида гапириб, шу муносабат билан ўқитувчилар ўртасида ўзаро тажрибалар алмаштириб турилиши мақсадга мувофиқдир, деди.

Кенгашда область ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг директори Х. Р. Қобилов, область прокурорининг балоғатга етмаганлар иши бўйича ўринбосари Р. А. Кожевникова, область соғлиқни сақлаш бўлими мудирининг ўринбосари В. С. Бгашева, область матлубот жамияти раисининг ўринбосари М. Худойбердиев ўртоқлар ҳам сўзга чиқдилар.

Кенгашда ёшларни умумий ўрта таълимга ўтказишни тугаллаш ва умумий ўрта таълим мактабларини янада ривожлантиришга қаратилган вазифаларни ўз ичига олувчи тавсияома қабул қилинди. Кенгаш қатнашчилари бу вазифаларни шараф билан бажариш учун ўзларининг бутун куч ва ғайратларини сарфлаяжакларини айтдилар.



АДРЛАРДА етиштирилган ғаллани қисқа муддатда ўриб-йиғиб олган Бўстовлиқ районидаги Фрунзе номли колхоз деҳқонлари ҳосилдан бўшаган майдонларни шудгор қилмоқдалар. Бу ишда механизаторлар пешқадамлик қилмоқда. Улар яқин кунлар ичида шудгорлашни тугаллаш, кузги ғалла экишни бошлаб юборишга ҳаракат қилмоқдалар. Суратда: колхоз далаларида ерни шудгорлаш пайти.

И. ПОРТНОВ фотоси.

СУТ СОҒУВЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Оққўрғон райони чорвадорлари бу йил гўшт, сут, тухум етиштириш ва давлатга топширишда булутургидан анча яхши натижаларга эришмоқда.

Буни ўтган етти ой якунларидан билса бўлади. 1971 йилнинг 1 августига қадар 1330 тонна гўшт етиштирилган бўлса, бу йил 1500 тоннага яқин гўшт тайёрланиб, давлатга топширилди. Айниқса сут етиштиришда яхши муваффақиятлар қўлга киритилди. Ўтган йили ҳар бош соғин сигирдан етти ойда 1150 килограммдан сут соғиб олинган бўлса, бу йил 1320 литрдан ортиқ сут олинди.

Колхоз ва совхоз партия ташкилотлари сигир соғувчилар ўртасида ўзаро социалистик мусобақани тўғри ташкил этганлиги, голиблар моддий жиҳатдан рағбатлантирилганлиги туфайли шундай ютуқларни қўлга киритмоқда. «Ленинобод», Вотинцев, Димитров, Энгельс номли колхозлар ҳамда Волков номли , «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг сигир соғувчилари биринчи ярим йилликда уюштирилган социалистик мусобақа голиби бўлдилар.

«Ленинобод» колхози сигир соғувчилари ҳар бош соғин сигирдан булутургидан 200 литр кўп сут олди. Гулихон Турғунбоева, Зайнаб Обидова, Турғуной Худойбердиева каби сигир соғувчиларга 100 сўмдан пул мукофоти берилди . Улар ҳар бош сигир ҳисобига ўртача 1300 литрдан сут соғиб олишган.

Вотинцев номли колхоздан Хайитгул Эгамқулова билан Гулчинор Сулаймонова мусобақада ғолиб чиқишди. Уларнинг ҳар бири 20 бош соғин сигирдан пландаги 27000 килограмм ўрнига 30000 килограммдан ортиқ сут соғиб олишди. Колхоз правлениеси уларнинг меҳнатини муносиб тақдирлаб, ҳар бирига тўрт метрдан атлас берди. Шунингдек, «Победа», колхозидан уч киши қўл соати, Волков номли совхоздан тўрт киши 85 сўмдан пул мукофоти, Энгельс номли колхоздан эса олти соғувчининг ҳар бири 90 сўмдан пул мукофоти билан тақдирланди.

Район бўйича жаъми 36 сигир соғувчи рағбатлантирилди. 60 киши эса «Социалистик мусобақа ғолиби» деган номни олди. Сигир соғувчилар ўртасида социалистик мусобақа яна давом этаяпти. У ҳар кварталда якунлаб турилади.

Б. ИЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.



ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида Меҳри Ғойипова, Урин Абдуғаниева каби пешқадам сут соғувчилар борки, уларнинг номини ҳамма ҳурмат билан тилга олади. Соғувчилар бу йил зиммаларига янада оширилган мажбурият олдилар. Бугунги кунда улар боқимидаги сигирларни тўйимли озуқалар билан парваришлаб юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Суратда: (чапдан) М. Ғойипова ва Ў. Абдуғаниевалар.

С. Махов фотоси.

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ ИЗЧИЛЛИК БИЛАН АМАЛГА ОШИРАМИЗ

НОСТАНДАРТ САБЗАВОТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Гарқ пишиқчилик. Далаларда сабзавот, полиз экинлари пешма-пеш етилмоқда. Мева ортилган автомашина, прицепларнинг кети узилмайди. Улар тайёрлов пунктларига, консерва заводларига, савдо дўконларига тўхтовсиз маҳсулот ташиб келтирмоқда.

Лекин, уларнинг ҳаммасини тайёрлов пунктларига келтириш анча оғир. Ўз вақтида узиб йиғиштириб олинмаса, сабзавот ва меваларнинг бир қисми нес-нобуд бўлиб, ностандарт ҳолатга келиб қолиши мумкин. Шундай сабзавотлардан қандай фойдаланиш мумкин?

Ишнинг кўзини билган, сарф-харажатларни камайтириб, деҳқончиликдан мўл ҳосил олишга ҳаракат қилаётган хўжалик раҳбарлари ностандарт маҳсулотлардан ҳам унумли фойдаланмоқдалар. Айниқса нейинги йилларда республикамизнинг бир қатор колхоз ва совхозларида ёрдамчи хўжаликлар кўпайди, аграр-саноат цехлари ташкил этилди.

Ўтган йилги маълумотларга қараганда, республика колхозларида 1592 ёрдамчи хўжалик мавжуд бўлган. Шулардан 89 таси сабзавот ва меваларни қайта ишлайдиган цехлар эди. Ўтган йили бу цехлар маҳсулоти 16,8 миллион сўмлик бўлди. Ўртача ҳар бир ёрдамчи хўжалик 100—110 минг сўм маҳсулот тайёрлашга эришган. Бу цехларнинг ишлаб чиқариш қувватлари борган сари кўпайиб бормоқда.

Партия ва ҳукуматимиз қишлоқларда ёрдамчи хўжалик корхоналарини ривожлантиришга катта аҳамият бермоқда. Бу эса янги резервлардан янада самарали фойдаланишда катта роль ўйнаяпти. КПСС XXIV съезднинг беш йиллик план Директиваларида ҳам колхоз ва совхозларда ёрдамчи хўжаликларни янада ривожлантириш билан бирга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлашга эътиборни янада кучайтириш лозимлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Институтимиз коллективи ҳам съезд қарорларини изчиллик билан бажаришга ҳаракат қиляпти. Ички резервлардан кўпроқ фойдаланяпмиз. Аввал бизда сабзавот ва меваларни қайта ишлаш цехи қурилабошлаганди. Бунга 86 минг сўм сарф қилиш кўзда тутилди. Лойиҳа ва қурилиш ишлари ўз кучимиз билан амалга оширилди. Ўша йилнинг ўзидаёқ 30 тонна сабзавот қайта ишланди. 60 минг дона шартли банка сабзавот консерваси тайёрланди. Бундан 5000 сўм даромад қилдик. 1970 йили эса 100 тонна ностандарт сабзавот қайта ишланиб, 250 минг дона шартли банка консерва ишланди

Бу йил ҳам ишимиз чакки бўлмайди: 200 тонна сабзавотни қайта ишлаш ниятидамиз. Келгуси йилда эса 750 минг дона шартли банка консерва ишлаб чиқарамиз. 1974 йилга келиб эса улар бир миллионга етади. Шундай қилиб, цехнинг лойиҳада кўрсатилган қуввати тўла ишлашига имконият яратилади. Хўжаликда маҳсулотни қайта ишлаш цехларининг ташкил этилиши ҳар томондан фойдалидир. 1970 йили цехимиз томонидан ишлаб чиқилган маҳсулот 20 минг сўм фойда берди. Ўтган йили бу рақам 27 минг сўмга етди. Бу йил эса 35 минг сўм фойда олиш ниятидамиз.

Маҳсулот цехга планда кўрсатилган баҳода жўнатиляпти. Шунга қарамай, маҳсулотнинг таннархи доимо арзонлашяпти.

Бизда бошқа кишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳам нес-нобуд қилмай сақлаб қолиш учун катталигина имконият бор. 50 тонна маҳсулотни тузлаган ҳолда сақлаш мумкин. Яқин вақт ичида яна битта цех қурилиб битказилади. Шунингдек, помидорни уруғидан ажратиб консерва қиладиган сабзавот цех ҳам қурилади. Унда 800—1000 тонна помидорни қайта ишлаш мумкин. Помидорни энг яхши пишган вақтларда уч-тўрт тоннасини қайта ишлаб, улардан томат шарбати олиняпти. Қолганлари эса консерва заводларига топширилаяпти. Консерва цехида томат шарбати, бодринг, ҳар хил мева компотлари ва бошқа хил маҳсулотлар тайёрлаш ҳам мумкин.

Ёрдамчи цехларни йил давомида ишлатиш мумкин. Бунинг ҳаракати кўп эмас. 10000 дона шартли банка консерва тайёрлайдиган цехда ҳаммаси 15—16 киши, кунига 12—15 тонна томат тайёрлайдиган бўлса, бу иш билан тўрт киши банд бўлиши мумкин. Цехнинг маъмурий бошқарув аппарати ҳам унча кўп эмас. Цех технологи бир вақтда цех мудирлиги вазифасини ҳам бажаради. Электр-механик, ишлаб чиқариш мастери, тўрт ё олти ойга биттадан кочегар бўлса кифоядир. Бригадирлик вазифасини ўриндошлик йўли билан ҳам бажариш мумкин. Унга 15 процент миқдорида ҳақ тўланади. Бизда бошқарув аппаратига дастлабки йили 14,7 процент, 1971 йили эса 5,5 процент ҳақ тўланди. 1972 йили эса маъмурий хўжалик аппаратига 4,4 процент миқдорида ҳақ тўлаш кўзда тутилган.

Ёрдамчи цехда маҳсулот кўплаб ишлаб чиқаришни сабабли фойдаси ҳам ортиб боряпти. Ўтган йилдан бошлаб цех хўжалик ҳисобида ишлашга ўтди. Бу ердаги барча сарф-харажат ҳисоб-китоб асосида олиб бориляпти. Цех қурилишига кетган сарф-харажатларни қисқа вақт ичида тўла қоплаш мумкин. Цехнинг умумий баҳоси 86 минг сўм туради. Уч йил ичида цех 52 минг сўм фойда берди. Шу вақт ичида 710 минг дона шартли банка консерва ишлаб чиқарилди. Шундай қилиб, халқимиз томонидан етиштирилган 285 тонна сабзавот нобуд бўлмай сақланиб қолди. Агар 1 миллион дона шартли банка консерва ишлаб чиқилса, у вақтда цех ҳар йилига 60 минг сўмдан даромад қиладиган бўлади.

Юқоридаги фактлардан кўриниб турибдики, ёрдамчи цехларни ташкил этиш ва ундан самарали фойдаланиш ҳам хўжаликка, ҳам халққа катта фойдадир.

И. КАРИМОВ,
сабзавотчилик-полиз экинлари ва картошка етиштириш илмий-текшириш институтининг директори, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

Х. ШАРИПОВ,
агроном-экономист.

Чет элларда

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

РУМИНИЯ КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ МАЖЛИСИ

БУХАРЕСТ, 22 август. (ТАСС). Ажерпресс агентлиги хабар беради: Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитети Ижроия Комитетининг мажлиси бўлди. Бу мажлисда Руминия Компартиясининг раҳбарларининг Қримдаги дўстона учрашувда иштирок этганлиги ҳақида ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев билан олиб борилган музокаралар тўғрисида Руминия Компартияси Бош секретари Н. Чаушескунинг ахбороти тингланди.

Руминия Компартияси Марказий Комитетининг Ижроия Комитети Н. Чаушескунинг ахборотини тинглаб, Руминия Компартияси Бош секретарининг бу учрашувдаги фаолиятини якдиллик билан маъқуллади.

Ижроия Комитет Қримдаги учрашув социалистик қурилишнинг боришига, тўғрисида, самарали фикрлашиб олишга ёрдам берди деб ҳисоблайди. У Қримдаги учрашувда қатнашган социалистик мамлакатларнинг барча соҳаларда қардошларча ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кучайтиришга қатъий қарор берганликларини ҳам намойиш қилди.

Учрашув ҳозирги халқаро ҳаёт масалалари юзасидан ва асосан Европа қитъасида хавфсизликни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан кенг кўламда фикрлашиб олишга ёрдам берди.

ҲИНДИ-ХИТОЙДАГИ УРУШ ХАРАКАТЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 22 август. (ТАСС). Америка-Сайгон авиацияси ва артиллерияси Жанубий Вьетнамнинг шимолий қисмидаги Кюэшон водисига ва Куангчи шаҳри чеккаларига ҳар куни юзлаб тонна бомба ва снаряд ташламоқда. Интервенциячилар ватанпарварларнинг ҳужумини сусайтиришга ва қўғирчоқ қўшинлар шу районда учраган катта мағлубиятлар учун ўч олишга уринмоқдалар. Америка информация агентликларининг хабарларига қараганда, Сайгон қўшинларининг Кюэшон шаҳрига ёриб кириш йўлидаги уринишлари барбод бўлмоқда. Қўғирчоқ армиянинг Куангчи яқинида тўпланган йирик кучлари катта талафот кўрмоқда. АҚШ самолётлари ватанпарварларнинг жанговар руҳини туширишга муваффақиятсиз уринib, шаҳар устига напалм ва парчаланувчи бомбалар ташламоқда. ЮПИ агентлиги мухбирининг хабар беришича, бугун зенит тўпларининг ўқи билан напалм солинган канистрлар ортилган «Фантом» типидаги икки самолёт шаҳар устида уриб туширилди. Куангчи учун жанглар шаҳарнинг шарқий ва жанубий чеккаларида олиб борилмоқда.

Сайгондан шимолроқда шиддатли жанглар давом этмоқда. Ватанпарварлар бу ерда душманнинг 13-йўлдаги позицияларига ва



В. И. ЛЕНИН номидаги Ленин ордени Тошкент электрон техника заводи коллектив СССРнинг 50 йиллиги шарафига СССР пойтахти — Москва ва қардош республика шаҳарларига бағишлаб 16 та декада ўтказиш тадбирларини белгилашган эди. Улар ҳозир изчагина шаҳарларда бўлишди. Суратда: шундай эстафета кечаларидан бирида заводнинг бадиий ҳаваскорлари тўгарагн иштросида концерт беришяпти.

Г. ПУН фотоси.
(ЎзТАГ).

САМУДРА

Бир жазирамада Багорга томон борар эдик. Беҳосдан шофёр машинамага кескин тормоз берди. Кўз олдимизда шундай бир манзара намойиш бўлдики, уни кўрган заҳотим ҳайратланганимдан турган жойимда қақайиб қолдим.

Уйлардан бирининг ҳовлисида улкан бўғма илон питон кокс пальмасини силкитар эди. Ёнғоқлар худди бомбалар сингари тўкиларди.

Пальмадан нарироқда сомон шляпа кийган бир эркак киши турар ва у:

— Юқорироқ! Юқорироқ! — деб қичқирарди.

Питон силкитишда давом этар экан ихтиёрсиз пальманинг учи томон судралиб чиқаверарди. Дарахт атрофига ўралган йўғон қора халқа бўғма илоннинг боши томон сурилиб, секинлик билан сиқиларди. Сўнгра илоннинг боши спирал сингари бироз олдинга иўтарилди. У тўхтаганда улкан пружина яна сиқиларди.

Биз бироз ҳадиксираган ҳолда уй олдига келиб, питоннинг эгаси билан танишдик. Маълум бўлишича, Саржито Куснадининг касби илон овчилиги экан. У ўттиз етти ёшда, ўрта бўйли. Узи ҳақида гапирар экан ийманибгина кулди-да, деди:

— Ҳа, илонларнинг одатини билмасдан туриб, тутиш жуда хавотирли. Мен бу ҳунарни отамдан ўрганганман. У жуда моҳир илон тутувчи эди. Кунларнинг бирида биз элликкиёқин кобра илонлари териси ва ана шу питонни уйга олиб келдик. Бўғма илон менинг қўлимга тушганда жуда кичкина эди, ҳозир узунлиги саккиз метр, ёши эса 14 да.

— Сиз уни қандай қилиб ўзингизга ўргатдингиз?

— Еш питон инсонга жуда тез ўрганади, уни ҳар қандай ҳайвонни ўргатгандек ўргатиш керак. Жаноблар, бир дақиқа тўхтаб турингглар, бўлмаса у дарахтни синдириб юборади. — Саржито таёқни олиб пальманинг танасига бир неча бор тақиллатди. Питон дарахтни шундай силкитдики, у ҳақиқатан ҳам синиб кетаётгандек бўлди. — Бўлди, самудра! Бўлди, деяпман, эшитяпсанми! Бўлди!

Питон истар-истамас пастга сирғаниб туша бошлади.

— Илон эшитадими? — ҳайратланиб сўрадим, ундан. — Айтишларига қараганда, ҳамма илонлар кар бўлармиш.

— Билмадим, эҳтимол шундайдир. Одатда мен аввал таёқ билан дарахт танасини тақиллатаман, тақиллаш дарахт танаси бўйлаб майда тебраниш сингари юқорига узатилади. Питон ўз танаси билан буни сезмаслиги мумкин эмас. Аммо, у менинг барча буйруқларимни эшитаётгандек туюлади, ўзимга.

Бўғма илон пальма тагига яқинлашганда шошиб-пишиб уйга яқинроқ жойга чекиндик.

Саржито кулиб юборди:

— Хавотирланманг, Самудра сизга тегмайди. Ҳозир унинг ерга тушишини ва анови сўри остидаги ўз жойига боришини кўрасизлар. У ерда питонни қуён кутиб турибди.

— Бу қилган иши учун шукофотми?

— Ҳайвонлар шундай тузилганки, уларга одилона муносабатда бўлиш керак. Ҳайвонлар буни яхши ҳис қилишади. Қаранглар, у ерга тушиб бўлди.

ҲАР ТЎҒРИДА

Питон ўзини хўжайини айтганидек тутди. У бизга қиё ҳам боқмади. Утлар орасидан шитирлатиб усти пальма барглари билан ёзилган сўри тагига томон ўтиб кетди. Сўри тагида каттагина ёғоч қафас турарди. Шундай бўлса ҳам бу қудратли маҳлуқ ёнида турган кўрқинчли эди. Саржито питонларни қандай ов қилиши ҳақида гапириб берди.

Аввалига у хўрак учун гўшт топади, кичкина кийикни ёки унча катта бўлмаган маймунни ўлдиради. Сўнгра хўрак олдида пойлаб дарахт устига чиқиб олади. Айрим вақтларда жуда кўп кутишга тўғри келади. Бир кун, икки кун ўтиб кетади. Аммо, питондан дарак бўлмайди. Лекин, тажрибали овчи барибир пистирмани ташлаб кетмайди. Эртами, кечми, илон албатта пайдо бўлади. У хўракка дарҳол ташланмайди, аввал ётиб олиб, томоша қилади, сўнг эринибгина хўракни юта бошлайди. Ютиб бўлгунича яна бир неча соат ўтади. Сўнгра питон худди шундай суст-лик билан ўз газдасини судраб, доира пирамидаси ташкил қилади. Ана энди ов тайёр. Питон бошини юқоридаги ўрамга иўндалаиг қўйиб, кўзларини юмади. Ухлаб, озуқани ҳазм қилади. Шундагина пистирмадан ҳам чиқиш мумкин.

Овчи шамолнинг йўналишини айниқлаб, ҳаддан ташқари эҳтиётқорлик билан бўғма илонга беркиниб яқинлашади. Шамолни питон сезиб қолмаслиги учун юзга эснши керак. Бўлмаса-овчининг ҳоли вой. Бу дангаса маҳлуқ учқун тезлигида ҳамла қилиши мумкин. Саржито хўракка бир вақтнинг ўзида йўлбарс ва питон келганлигини ўз кўзи билан кўрган. Йўлбарс эс-хушини йиғиб олмасданоқ, бўғма илоннинг пўлат исканжаси орасида қолди. Саржито ким ғалаба қилишини кўриш учун уларнинг жангига ҳалақит бермаган. Кураш беш соатча давом этиб, питон охири йўлбарсни енган.

Бўғма илонни пистирмадан чиқмасдан ҳам отиш мумкин. Шундай қилинганда калласидан отиш вақтида халқа-халқа бўлиб ётган питон танасининг уер-бу ерига ҳам ўқ тегиб кетиши мумкин. Бу овчи учун зарарлидир. Чунки, ўқ тешган бўғма илон териси арзон туради. Шунинг учун Саржито милтиқ ўрнига револьвер ва юмшоқ бахмал қўлпайпоқ билан ов қилишни афзал кўради. Қўлпайпоқни чап қўлига киядн. Питон олдига келгач, унинг ташқаридаги халқасини қўлпайпоқ билан силайди. Бунда ҳар доим бир хил усулда—бошидан танасининг охирига томон силайди. Юмшоқ қўлпайпоқ питонни энг тўйимли овқатга нисбатан ҳам қаттиқроқ ухлатади. Бўғма илон роҳатланиб қимирламай ётади. Икки-уч минут ўтгач, Саржито илоннинг бошини кўтаради, унн гавдасидан четроққа олиш учун шундай қилади.

Уқ товуши эшитилади, шу дақиқада овчи питондан иложи борича узоқроқ жойга сакрайди.

Бўғма илоннинг қимирламай ётган гавдаси бир дақиқадаёқ ёзилиб кетади. У ўлими олдидан жон-жаҳди билан бутун атрофни савалайди. Илоннинг зарби шунчалик кучлики, бу бир дақиқада отни ўлдириш учун етарлидир.

— Узингиз қўрқмайсизми?

— Албатта, озгина қўрқаман. Мен хотинимни барча питонлар бизнинг самудрага ўхшайди, деб ишонтиришга ҳаракат қиламан.

— Уни шунинг учун ҳам ўзингизга ўргатганмисиз?

— Умр йўлдошим ҳар доим қаттиқ ҳаяжонланарди-да!

А. ИВАНЧЕНКО,
«Социалистическая индустрия» газетасидан.

КИТОБГА БАҒИШЛАНАДИ

Китобга бағишланган ярмаркалар, учрашувлар, конференциялар, байрамлар ўтказилади. СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган Китоб ойлиги планига кўра, Округ офицерлар уйида республика улгуржи китоб ярмаркаси ўтказилади. Республиканинг нашриётлари ўз маҳсулотларини кўрсатадиган выставка ҳам шу ерда очилади.

24 августда биринчи марказий китоб магазини тошкентликларни «Китоб дўстлари клуби» мажлисига чорлайди.

Китобхонлар Горький номли паркда кўпгина мароқли учрашувлар ўтказадилар. Бу ерда ҳаётимизнинг яхши йўлдоши-китобга бағишланган байрам бўлади.

(ЎзТАГ).

БЕМИННАТ ХИЗМАТ

Шаҳар маиший хизмат кўрсатиш ходимлари кийим-бошларни кимёвий усулда тозалашни яхши йўлга қўйиш учун бир қанча тадбирларнн амалга ошираётир.

Шу кунларда йирик завод ва фабрикаларда, муассасаларда кийим-бошни кимёвий усулда тозалаш пунктлари очилиб, буюртма қабул қилина бошланди. Махсус автобуслар узоғи билан ўн кунда унн эгаларига етказиб беради. Бундан ташқари, шаҳарнинг узоқ чекаларида ҳам шундай тозалаш пунктлари очилди.

Ҳозир «Бешқайрағоч», «Партия XXI съезди» массивларида қўшимча равишда бир қанча пункт, С. Раҳимов, Октябрь, Чилонзор районларида ўндан ортиқ пунктлар очилди.

АВТОСТАНЦИЯ КЕНГАЯДИ

Тошкентликлар ҳадемай ажойиб автостанцняга эга бўладилар. Унинг ёнида ўн икки қаватлик меҳмонхона ҳам қад кўтаради.

Меҳмонхонада ошхона, ресторан мунтазам ишлаб туради. Тўрт қаватлик автостанция кишиларнинг дам олиши учун анча қулай бўлиб, ёзнинг жазирама кунларида ҳароратнинг нормал ҳолатда бўлишини кондиция аппаратлари таъминлайди. Бу автостанциянинг яна бир қулайлиги шундаки, унда ёш болали оналарга алоҳида-алоҳида хоналар бўлади. Кичкинтойларнинг дам олишлари, овқатланишлари учун ҳам шароит яратилади.

Янги автостанция лойиҳасини Қозоғистон автомобиль транспорти лойиҳалаш илмий-текшириш институтининг бир группа инженер-техник ходимлари чизишмоқда. «Самарқанд» автостанцияси ёнидаги автостанция ва меҳмонхона келаси йилдан қурила бошланади.



Бунча ширин экан, боғимиз нинг узумя.

А. АҲАДОВ фотоэтюди.

Спорт

ҒАЛАБАНИНГ ЙЎЛИ БОРМИ?

Жаҳон чемпионлиги учун шахмат матчининг 17-партиясида Фишер қора доналар билан ўйнаб мусобақада биринчи бор совет мастери Уфимцев номи билан аталувчи ҳимояни қўлланди. Спасский рақибининг шоҳига хавф солиш йўлларини ахтариб, бирмунча уступкага эришди. Ўйин беш соатдан сўнг тамом бўлмай, кечиктирилди. Кечиктирилган партияда Спасскийнинг икки рух, беш пиёдаси, Фишернинг эса бир рух, бир от ва олти пиёдаси бор. Мутахассисларнинг фикрига кўра жаҳон чемпионининг қўли бирмунча баланд. Спасский ғалаба йўлини қидириши керак.

СЎНГГИ СИНОВ

Ўтган сешанба куни Москвада СССР терма командаси Мюнхенга жўнаш олдидан сўнгги синов ўйинини ўтказди. Терма команда тренерлари Ереваннинг «Арарат» футболчиларини муносиб рақиб сифатида танладилар. Ўйинининг бошларида Колотов ҳисобни очди. Сўнг Елисеев, Сабо ҳисобни 3:0 га етказдилар. Ереванликлар 76-минутда жавоб тўпи киритдилар. Иштоян 11 метрли белгидан тўп киритди.


Олимпиада терма командамиз қўйидаги составда ўйнади: Рудаков (Пильгуй), Дзодзуашвили, Сабо, Истомин, Капличний, Колотов, Онищенко, (Блохин), Якубик, Елисеев (Ольшанский), Куксов, Еврюжихин.

Реклама ва эълонлар

„СПОРТ-304“

ТРАНЗИСТОРЛИ КЎЧМА ПРИЕМНИГИ ОРҚАЛИ

СИЗ ЖАҲОНДАГИ ҲАММА СПОРТ МАЙДОНЛАРИДАН ХАБАРЛАР ЭШИТА ОЛАСИЗ.



«СПОРТ-304» ПРИЕМНИГИДАН ФАҚАТ СПОРТЧИЛАРГИНА ЭМАС, БАЛКИ ҲАММА ИШҚИБОЗЛАР ҲАМ СПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИДАН ХАБАРДОР БЎЛА ОЛАДИЛАР.

ПРИЕМНИКНИНГ ТЎҚҚИЗ ТРАНЗИСТОРИ, ИККИ ЯРИМ ЎТКАЗГИЧЛИ ДИОДИ ҲАММА ВАҚТ, ҲАР ЖОЙДАН СПОРТ КОММЕНТАТОРИНИНГ ҲАЯЖОНЛИ ОВОЗИНИ СИЗГА ЕТКАЗИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

«СПОРТ-304» ПРИЕМНИГИ УЗУН, ЎРТА ВА ҚИСҚА ТЎЛҚИНЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

БУ ПРИЕМНИКНИНГ БАҲОСИ 73 СЎМ, КАТТАЛИГИ 176Х288Х90 МИЛЛИМЕТР, ВАЗНИ 1 КИЛОГРАММУ 700 ГРАММ.

«СПОРТ-304» ПРИЕМНИГИНИ СОТИБ ОЛИНГ!

«РАДИОТЕХНИКА» МАРКАЗИЙ САВДО-РЕКЛАМА ТАШКИЛОТИ.

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

10.55 — Кўрсатувлар программаси. 11.00 — «Қувноқ карусель» (болалар учун мультфильм, рус тилида). 11.10 — «Еш гвардия» (бадиий фильмнинг 2-серияси, ўзбек тилида).

12.30 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатувлар программаси.

Ўзбек тилида: 18.00 — Ўқувчилар учун. «Ёз хотиралари», 18.20 — Рангли телевидение. «Шодликнинг туғилиши». «Самарқандниинг савдо куни» (ҳужжатли фильмлар, рус тилида). 19.00 — Партия тарихи институти — 50 ёшда. 19.20 — «Ахборот» информацион программаси (рус тилида). 19.30 — Қозоғистонда ўзбек адабиёти ва санъати декадаси олдидан. М. Қориёқубов номидаги ўзбек давлат филармонияси симфоник оркестри ва солистларининг концерти. 20.20 — «Ахборот» информацион программаси. 20.30 — «ҲУР РЕСПУБЛИКАЛАР БУЗИЛМАС ИТТИФОҚИ». СССР ташкил топган кунининг 50 йиллигига бағишланган қардош республикалар телевизион фестивали. Эстония телевиденнесининг программаси. 22.30 — Эстония телевидение программасининг давоми.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.50 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Рус тилида: 20.00 — «Галина Писаренко куйлайди» (концерт-очерк). 20.50 — Телевизион бадиий фильм. 21.05 — «Она ҳақида қисса» (бадиий фильм, ўзбек тилида).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/VIII да Аяжонларн, 25/VIII да Табассум ўгриларн, 26/VIII да Парвона.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 24/VIII да Менинг Жаннатим, 25/VIII да Навоий Астрабодда, 26/VIII да Хотинимнинг эри.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

24 АВГУСТДА

Гамильтон хоним — «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун). САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 11, 3, 5 ярим ва кеч 9.15 минутда). «МОСКВА» (кундуз соат 12, 2 ва 4 да).

Гул ва тош (ўзбек тилида) — НАВОИЙ НОМЛИ (кундуз ва кечқурун).

Балашшн қўшиқлари — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда).

Ромео ва Жульетта — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 3 кеч 6 ва 9 да).

Сўнгги довон — «СПУТНИК», «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Петербург билан хайрлашув — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 1 ва кеч 7 яримда). «ЧАЙКА» (кеч соат 6 ва 9 да).

Сайха — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Озод туғилган — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Ҳаводаги саргузаштлар (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Қора лола — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Ҳиндуларнинг содиқ дўсти — ҲАМЗА номли (тоқ соатларда).

Виннету — апачлар йўлбошчиси — «ЧАЙКА» (кундуз соат 12, 2, 4 ва кеч 9.45 минутда).

Кулгили қиз — «МОСКВА» (кеч соат 6 ва 8.40 минутда).

ГАЗЕТХОН ИЛТИМОСИ БИЛАН

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

Ҳозирги ёз кунларида мева ҳамда сабзавотларни санитария қоидаларига риоя этмай истеъмол қилиш туфайли юқумли ошқозон-ичак касалликлари кўпаяди. Бундай касалликлар, айниқса, далада ишлаётиб овқатланиш режимига амал қилмаслик, терлаб туриб совуқ сув ичиш оқибатида ҳам келиб чиқади.

Оққўрғонлик Т. Собиров, янгийўллик М. Муҳамедовалар редакциямизга йўллаган мактубларида ана шу касалликларнинг олдини олиш ва уларни даволаш тўғрисида маслаҳат сўрашган. Қуйида газетхонларнинг илтимосига жавоб берамиз.

Юқумли ошқозон-ичак касалликларининг олдини олиш ва унга қарши курашиш учун қандай мањбаълардан фойдаланиш кераклиги кўпчиликни қизиқтиради.

Ошқозон-ичак касалликлари билан оғримасликнинг асосий омилларидан бири шахсий гигиенага риоя қилишдир. Бу нарса шаҳар ва қишлоқларда ифлосликка қарши курашиш, озиқ-овқат корхоналари ҳамда савдо муассасаларида тозаликни сақлаш билан ҳам белгиланади.

Ошқозон-ичак касаллиги таёқчалари кенг кўламда тарқалмаслиги учун дезинфекция воситаларни асосий роль ўйнайди. Дезинфекция воситаларини эса республика дорихоналарида етарли миқдорда топиш мумкин. Хлорли оҳак, карбол кислотаси, лизол, хлорамин ва хлорофослар шулар жумласидан. Уларнинг таъсирида ошқозон-ичак юқумли касалликларини қўзғатувчи микроблар ҳалок бўлади.

Ҳозирги замон тиббиёти ошқозон-ичак касалликларини даволашда хилма-хил юқори сифатли дори-дармонларга таянади. Бу дориларни иккита катта группага бўлиш мумкин. Биринчиси, сулфаниламид группасига кирувчи моддалар ва антибиотиклардир. Кейинги йилларда бу группа дориларнинг турлари анча кўпайди. Шулардан сульфапиридазин, сульфадиметоксин, мадрибонлар кучли таъсирчан бўлиши билан бирга таъсир қилиш муддати ҳам анча узайтирилган.

Олдиндан маълум бўлган фталазол, сульгин ва этазоллар бир неча-кундузда тўрт марта қабул қилинса, бу дориларни куниға бир карта қабул қилиш кифоя. Яна шўниси шундаки, мақсадга мувофиқки, янги дорилар организмга танлаб таъсир кўрсатади, яъни ошқозон-ичак юқумли касаллигини қўзғатувчи микробларнинг ўзигагина таъсир қилиб, уларни ҳалок этади.

Айниқса, ошқозон-ичак юқумли касалликларини даволашда юқори сифатли антибиотикларни эсдан чиқармаслик зарур. Булар левомицитин, тетрациклин, хлортетрациклин, биомицин, терромицинлардир. Мономицин ичак ва юрак буруғи касалликлари таёқчаларининг ўсишига ҳалақит беради ва уларни тезда зарарсизлантиради. Бу дориларни ёш болалар учун ҳам кенг миқёсда қўллаш мумкин.

Медицина ходимлари ихтиёрида дори-дармонлар ошқозон-ичак юқумли касалликларини даволашда асосий воситадир. Бироқ даволаш ўз вақтида врач маслаҳати билан бошланса мақсадга мувофиқ бўлади, акс ҳолда беморнинг аҳволи тобора оғирлашиши мумкин.

Сулфаниламидлар ва антибиотиклар билан даволанаётганда врач тавсиясига биноан дорини аниқ миқдорда ва кўрсатилган муддатда қабул қилиш зарур. Даволаниш муддати ва дорининг миқдорига риоя қилмаслик бемор аҳволини оғирлаштиради. Натижада юқумли касалликни қўзғатувчи микроблар у ёки бу дорига ўрганиб, турғунлашиб қолиши оқибатида беморнинг соғайиши қийинлашади.

Айниқса юрак буруғи касаллигида ўз-ўзини даволаш хавфлидир. Чунки ўз-ўзини даволаш вақтида бемор аввалига ўзини яхши бўлгандек сезиши мумкин, аслида эса алданиб, касалликни ўтказиб юборади. Шунинг учун врач назоратисиз дори қабул қилиш мутлақо мақсадга мувофиқ эмас. Мана шу сабабли дорихоналарда антибиотик ва сулфаниламид препаратлари врач рецепти билангина берилади.

Д. АБДУЛЛАЕВА,
ЎзССР Соғлиқни сақлаш министрлиги Дорихоналар Бош бошқармаси информация бўлимининг инспектори.

Редактор ўринбосари Р. УМАРОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р—04418. ИНДЕКС 64697. Б. 1822.